



[TEL:\(67\)364-36-00](tel:(67)364-36-00), (67)364-36-02, E-mail: [boyovut@sud.uz](mailto:boyovut@sud.uz)

**Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Боёвут тумани

2022 йил 27 сентябр

4-1203-2201/939-сонли иш

Боёвут туманлараро иқтисодий суди, судья Ў.Йўлдошев раислигида, судья ёрдамчиси Х.Абдурахмоновнинг котиблигида, АААнинг, жавобгар БББ масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги электрон шаклдаги аризаси ва илова қилинган ҳужжатларни аризачи вакили **ВВВ (2022 йил 16 августдаги № 23-30476-сонли ишончнома асосида)** иштирокида Боёвут тумани Давлат солиқ инспекцияси биносида ўтказилган очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

**а н и қ л а д и :**

ААА судга ариза билан электрон шаклда мурожаат қилиб, жавобгар **БББ масъулияти чекланган жамияти** томонидан **қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини 2022 йил 13 сентябрга** қадар тақдим этмаганлиги сабабли, жавобгарнинг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд муҳокамаида аризачи вакили аризани қувватлаб, жавобгар томонидан ҳисоботлар тақдим этилмаганлигини маълум қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд муҳокамаи вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар суд муҳокамаида иштирок этмади, бундай ҳолатда суд ишда унинг иштирокини мажбурий деб топмасдан, ишни Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 220-моддасига асосан унинг иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўришни лозим топади.

Суд, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра, аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, жавобгар **қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини 2022 йил 13 сентябрга** қадар тақдим этмаган.

Натижада солиқ органи томонидан жавобгарга **қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботларни тақдим этиши лозимлиги тўғрисида 2022 йил 23 августда** электрон шаклда хабарнома юборилган.

Хабарномага белгиланган тартибда жавоб берилмаган, натижада Солиқ органининг **2022 йил 7 сентябрдаги 01-34259-сонли** қарори билан жавобгарнинг банкдаги ҳисоб варақлари бўйича операциялари 10 кун муддага тўхтатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 215-моддасига кўра, иқтисодий судлар банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 111-моддаси 1-қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг

илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

3-қисми биринчи бандига кўра, ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда қўлланилиши мумкин.

4-бандига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини аниқлатади.

Кодекснинг 112-моддасига кўра, ушбу Кодекснинг 111-моддаси учинчи қисми 1-банди асосида - солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан кейин бир кундан кечиктирмасдан, солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш бекор қилинади.

Мазкур ҳолатда суд, жавобгар томонидан **қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи** белгиланган муддатда тақдим этилмагангини инобатга олиб, аризани қаноатлантиришни, иқтисодий иш электрон кўринишда бўлганлиги сабабли почта харажати ундирувсиз қолдиришни, ишни кўриш натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ИПҚнинг 118-моддасига асосан давлат божини жавобгар зиммасига юклашни, лекин Ўзбекистон Республикасининг 06.01.2020 йилдаги “Давлат божи тўғрисида”ги №600-сонли Қонуни 9-моддаси 1-қисми 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод этилганлиги сабабли, давлат божи тўловини ундирувсиз қолдиришни лозим топади.

Юқорида баён этилганларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179-моддаларини қўллаб, суд

#### **қ а р о р қ и л д и:**

АААнинг, жавобгар БББ масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар БББ масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳисобварақлари бўйича, иш ҳақи ва кирим қисмидан ташқари операциялари ўн (10 кун) кундан кўп муддатга **қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилиб**, ҳуқуқбузарлик бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

ААА зиммасига, жавобгар БББ масъулияти чекланган жамиятитомонидан **қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилиб**, ҳуқуқбузарлик бартараф этилгандан кейин, бир кунлик муддатда барча ҳисобварақлари бўйича операцияларини очиб бериш маъсулияти (мажбурияти) юклатилсин.

Давлат божи ва почта харажати ундирувсиз қолдирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан 10 кун муддат ичида, Сирдарё вилоят судига апелляция шикоятни берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

Ў.Йўлдошев